

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факультети**

**Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация
кафедраси
Аудиовизуал журналистика (тележурналистика) фанидан**

КУРС ИШИ

**Мавзу: Тележурналистнинг касбий
одоби**

Бажарди: Мадина Мирзақобилова (301- гуруҳ)

Текширди: Амрулло Каримов

Тошкент—2013

Режа:

I. Кириш

II. Асосий қисм:

2.1. Журналист касб одоби тушунчаси

2.2. Телевидение — кўз ахбороти

2.3. Журналист инсон, фуқаро, профессионал сифатида

2.4. Тележурналистга қўйиладиган талаблар

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мақсад: Тележурналист олдига қўйиладиган вазифалар ҳақида умумий тушунча олиш; унда касб одобига оид билимлар мавжуд бўлсагина ўз касбининг етук мутахассиси (профессионал) бўлиб етишишини кўрсатиш.

Вазифа: Касб одобига оид кодекслар билан танишиш, бугунги кунда хориж ва ўзбек тележурналистларининг этика қоидаларига амал қилиш даражасини ўрганиш.

Ахлоқ сўзининг луғавий маъноси араб тилида «кишининг табиати», «хулқи» маъносини беради. Биз ахлоқ сўзини кўпинча этика сўзи билан ҳам аралаштириб ишлатамиз. «Этика нормалари» каби. Бу сўз грек тилидан олинган бўлиб «ethos» хулқ-атвор маъносини беради. Демак, кўринадики ғарб ва шарқ мамлакатларида умуммаънога эга икки сўзда бир моҳият мужассам. Бу эса ахлоқий нормалар, категориялар кишилик инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Лекин шуниси қизиқки, кўпинча ахлоқий меъёрлар инсоннинг ички маданиятига, тарбиясига, атроф-муҳитга кўра белгиланади.

- муомала маданияти
- тарбия
- миллий урф-одатлар, қадриятлар
- билим
- бошқа динлар ва урф-одатларни тушуниш, ҳурмат қилиш
- ирсий келиб чиқиш кабиларни эътиборга олиб белгиланади.

«Умумий этика» ва «касб этикаси» деган тушунчалар ҳам мавжуд. Инсоният оламининг барчаси улар учун хос бўлган умумий этикага амал қилиши лозим. Инсоний одоб-ахлоқ билан бир қаторда кишилар танлаган касбининг қонун-қоидалари бўлмиш касб этикасига ҳам бирдек амал қилиши керак. Аввало, этика тушунчасининг тарихига тўхталиб ўтсак. «Этика — кишиларда одоб-ахлоқ муносабатларининг, тушунчаларнинг, қадриятларнинг, қонуниятларнинг вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади, умумлаштиради. Этика

кулдорлик даври фалсафа илмининг ажралмас бир қисми сифатида вужудга келган, кадимги дунё донишмандларидан бўлмиш Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) томонидан атама сифатида муомалага киритилган. У биринчи бўлиб ахлоқшуносликни рухшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фан сифатида тақдим этган ва уни ЭТИКА деб номлаган».¹

Ҳар қандай касб профессионал даражага етгунга қадар ҳаваскорлик босқичини ортда қолдиради. Ҳар қандай тажриба авлоддан-авлодга ўтади. Йиғилиб бир тизим тусига кира борган тажрибалар йиғиндиси касбга айланади. Ҳар қандай даврда ҳам ҳар қандай касбнинг икки шакли бўлади. Бу — ҳаваскорлик шакли ва профессионаллик шакли. Бунда касб этикасига профессионалликда алоҳида эътибор қаратилади. Профессионаллик касб қонуниятларига билиб, идрок этган ҳолда риоя қилишда, унга бўлган онгли ва ихтиёрий масъулият туйғусини сақлашда акс этади. «Касб этикаси» умумий этиканинг узвий ва ажралмас тармоғи, лекин ундан фарқли тушунча. Одоб нима, деган саволга жавоб бериш учун луғат титиш, жиддий монографияларни кўздан кечириш, айниқса, ушбу ижтимоий феноменга бағишланган кўплаб адабиётларни топиш мумкин. Аммо жавобни ҳаётдан қидирган яхши эмасми? Топилган жавобни «текшириш» учунгина китоб кўмагига эҳтиёж сезамиз.²

¹ Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. — Т.: ЎзДЖТУ. - 2011. – Б.8.

² Лазутина. Профессиональная этика журналиста. — М.: - 2006. Глава I.

2.1. Журналист касб одоби тушунчаси

Журналистнинг шараф кодекси — ҳар бир ўзини ҳурмат қилган журналистнинг риоя қилиши шарт бўлган (риоя қилишдан уялмайдиган) қонунлар тўплами.

Дэвид Рэндалл

Ҳар бир касбнинг ўз одоби (этикаси) мавжуд. Шифокор касбини танлаган киши «Гиппократ қасами»ни қабул қилади. Беморнинг касаллигини унинг рухсатисиз бошқаларга ошкор этмайди. Рухшунослар мижозининг дардини, руҳий кечинмаларини сир сақлайди. Ҳатто, оиласига ҳам унинг ижозатисиз бу ҳақда асло айтмайди. Ўқитувчи ўқувчисининг бирор муаммосини бошқа ўқувчилар ва ўқитувчиларга «ёйиб» юбормайди. Булар ҳам шу касбнинг этикаси ҳисобланади. Ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам, психолог ва ҳуқуқшунос ҳам кўпчилик билан ишлайди. Ишлаганда ҳам индивидуал тарзда фаолият олиб боради. Ўқувчи ўқитувчисига, бемор шифокорга, дейлик, жиноятчи ёки айбдорликда гумон қилинаётган фуқаро ҳуқуқшуносга ўз шахсий сирларини ошкор этади. Шахсий сир хизмат юзасидан ошкор этилади. Бироқ тилга олинган касб эгаси ўз касб этикаси талабларидан келиб чиқиб ўша сирларнинг кенг омма эътиборига тушишига, кимнингдир шахсий сирлари ошкор бўлишига йўл қўймайди.

Журналистнинг касб одоби талабларининг бирламчи шарти ҳам шу, яъни хизмат юзасидан ўзи билиб олган маълумотни бошқа кишига айтмаслик, билдирмаслик. Бироқ масаланинг энг нозик томони бор. Журналистни вазифаси маълумотни мақола, суҳбат ва бошқа шаклларда тарқатишдан иборат-ку! Қолаверса, сенсация, шов-шув, кутилмаган янгилик журналистиканинг нони саналади. Бу ҳолда у қандай йўл тутаети? Сирни ошкор этадими ёки йўқ? Бу саволларга жавоб «Журналистнинг касб этикаси» фанида ўрганилади. Бу борада журналистнинг зиммасидаги вазифа ўқитувчи, шифокор ва ҳуқуқшуносникидан анчагина мураккаблиги аёнлашади. Чунки

бу касб эгалари ўзига хизмат юзасидан аён бўлган ўзгалар сирини ОАВга ойдин қилиш билан шуғулланмайди. Журналист эса шу билан шуғулланади. Шуғулланганда ҳам қизиқарли қилиб, таъсирчанроқ қилиб, ҳатто шов-шувлироқ қилиб тарқатишга, аудиторияни қизиқтирган маълумот ва янгиликларни беришга мажбур. Касб этикаси эса мана шу талабларни адо этишда ҳам меъёрни унутмаслик зарурлигини унинг ёдига солиб туради.

Бу каби хусусият бошқа ҳеч қайси касбда учрамайди. Бир томондан бу хато қилиш ва янглишишнинг олдини ҳам олади. Касб этикаси меъёрларини яхши ўзлаштириш ҳеч бир журналистга фаолият юритишда ҳалал бермайди. Аксинча, унинг юқори профессионал даражада ишни ташкил этишига имкон яратади. Унинг бошқалар кўз ўнгида нуфузини оширади ва мавқеини мустаҳкамлайди. Журналист касб ахлоқи тушунчаси — бир инсоннинг эмас, маълум бир ижтимоий гуруҳнинг ахлоқий хусусиятлари ҳисобланади. Меъёр касб этикасининг бошланғич нуқтасидир. Журналист ва истеъмолчи (ўқувчи, томошабин ёки тингловчи) турли ижтимоий ролни бажарадилар. Бири ўз касбининг устаси, иккинчиси унинг меҳнати маҳсулидан фойдаланади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай касб этикаси уч асосий таянч нуқтада туради. Булар: умумий этика, муайян касб хусусиятлари ва конкрет тажриба. Мазкур уч таянч нуқтани журналистикага татбиқ этсак, у умумий этика талабларини журналистлик касб одоби меъёрлари билан бойитган ҳолда уларни конкрет вазиятда қўллай олишида акс этади. Яъни: умумий этика меъёрлари — журналистнинг профессионал касб этикаси — конкрет вазият, ҳолат. Жаҳон журналистикаси касб этикаси масалаларини ўрганиш узоқ тарихга эга. У ёки бу касбга доир ахлоқ-одоб меъёрлари, тушунчалари шаклланиши учун касбнинг ўзи вужудга келган, шаклланган, кишилар ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак. Масалан, журналистнинг касб этикаси тушунча сифатида шакллангунга қадар замонавий матбуотнинг илк қуртаклари бўлмиш ахборот варақалари ҳозирги газеталарнинг ибтидоси сифатида пайдо бўлганини ёдга тушурмоғимиз

керак. XVI асрда Венецияда газета юзини кўргунига қадар савдо-сотик ва бозор дунёсидаги эҳтиёж варақалар чиқаришни тақозо этган. Ўша оддий кўринган варақаларни чиқаришда ҳам ўзига хос касб одоби нормалари бўлган. Ўзи оддийгина, ихчамгина варақа бўлса, уни қандай қилиб «варақалар журналистикаси» деб аташ, қандай қилиб унда касб одоби шартлари бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Ҳозирги газеталарнинг ибтидоси ҳисобланган ўша давр варақалари одатда йирик савдогарлар, мулк эгалари томонидан чиқарилган. Улар томонидан молиялаштирилган. Варақаларда уларнинг савдо-сотиғини йўлга қўйишга, ривожлантиришга хизмат қиладиган маълумотлар, ахборотлар тарқатилган. Мулк эгаларини, яъни варақа эгаларини бошқа маълумотлар қизиқтирмаган. Варақа матнини тайёрловчи «журналист» эса савдогар ёки мулк эгасининг хоҳиш-иродасига бўйсунган. Очикроқ айтсак, ўзи истаганини эмас, эгаси—хўжайини истаганини тайёрлаб, саҳифага босган. Хўжайиннинг истаги эса журналист учун касб одоби ҳисобланган. У мана шу «одоб»га қулоқ солса — ишлайди, қулоқ солмаса — марҳамат, вазифасидан воз кечади.

XX асрнинг бошларидан бизнинг тасаввуримиздаги касб этикасига эътибор қаратилган. Бу даврда газеталар кўпайган ва уларнинг кенг оммага кўрсатиш имконияти ортгани сайин касб этикасига эҳтиёж кучайган. Ҳар қандай касб-кор ривожлангани сари унга таллуқли касб одоби ҳам тараққий топган, шу маънода касб тарихи билан касб этикаси тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда шаклланган. Таҳририятларда, соҳа вакиллари йиғинларида журналистлар фаолиятини йўлга солишга қаратилган турли ҳужжатлар ишлаб чиқила бошланди. Швецияда 1900 йили журналистларнинг касб этикаси кодекси қабул қилинган деган маълумотлар бор. 1918 йил Францияда Журналистлар миллий синдикати томонидан «Ахлоқ-одоб хартияси» қабул қилинган. 1921 йилга келиб эса америкалик Жеймс Броун «Ахлоқ кодекси ва амалий журналистика меъёрлари»ни тузган. 1923 йили АҚШ газета бош муҳаррирлари жамияти «Журнализм қонунлари» кодексини қабул қилган. «Кодекс» латинча сўз бўлиб, китоб, бир тизимга солинган

хукукий акт, қоидалар мажмуи маъносини билдиради. Шунингдек, «хартия» сўзи ҳам кодекс сўзи билан маънодош. Яъни, грекча сўз бўлиб қоғоз, муҳим тарихий ҳужжат деган асл маънога эга.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб радио ва телевидение оммалаша бошлади. Бу икки ихтиро инсоният тафаккури тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришлар ясади. Ўз навбатида журналистнинг касб этикаси меъёрларини янада мустаҳкам тарзда ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш муаммоси кўндаланг бўлди. Халқаро журналистлар федерацияси ўзининг 1954 йили (25-28 апрель) бўлиб ўтган Иккинчи Умумжаҳон Конгрессида «Журналист этикаси принциплари декларацияси»ни қабул қилди.

Инсон касбидан қатъий назар маданиятли ва маърифатли бўлишга интилиб келган. Боиси, маърифатли ва маданиятли инсон фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши амалда исботланган ҳодисадир. Жамиятда одамлар таниган, ҳурмат қилган ва севган шахслар борки, улар ўз билимлари ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келганлар. Журналист касб одоби ҳақида гап кетар экан, журналист жамиятнинг қуйи ва юқори бўғинларида мунтазам фаолият юритишини ёдда тутиб, унинг касб одоби учун муҳим бўлган омилларни қуйидагича санаш мумкин.

1. Журналист аҳолига жамиятдаги муҳим ахборотларни ўз вақтида етказувчи,

маълумотларни ҳолис таҳлил этувчи ва мутахассисларнинг фикрини ўрганган ҳолда халқнинг тўғри ахборот олишида адашмаслигини таъминлаб борувчи шахс.

2. Журналист жамиятдаги барча олий ва қуйи табақа вакиллари билан учрашади, улардан ахборот олади, уларнинг манфатларини ҳимоя қилади. Бу вазиятда у мақсадга эришиш учун турли тўсиқлар, қаршиликлар ва алдовларга дуч келиши табиий.

3. Журналист учун халқ дарди ҳар қандай шахсий манфаатдан устун.

4. Журналистнинг «сўз эркинлиги» ҳақиқатни айтишига ва ҳақиқатни аниқлашига қаратилган.

5. Виждон тушунчаси журналист учун кишининг касбидан қатъий назар қандай инсон эканлигини намоиш этувчи хусусият унинг виждонли шахс эканлиги билан боғлиқдир, шу жумладан тележурналистнинг ҳам.

Журналистлар этик жиҳатдан

- аудитория (жамият) олдида
- жамоаси олдида
- маълумот манбаси олдида жавобгар ва масъулдир.

2.2. Телевидение — кўз ахбороти

«Ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат бунга сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас».

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 3- моддасида оммавий ахборот деганда бу — чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган хужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллардир³, деб ҳуқуқий таъриф берилади. Ана шу оммавий ахборотни эса оммавий ахборот воситалари етказади. Оммавий ахборот воситаларининг мутбуот, телевидение, радио ва ахборот агентликлари каби кўринишлари мавжуд. Жамиятда ва оммавий ахборот воситалари тизимида телевидениенинг ўрни тобора ривожланиб бормоқда. У шитоб билан ҳар бир давлатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бормоқда. Бу соҳа ходимлари тайёрлаётган «маҳсулотлар»: янгиликлар дастурлари, жонли репортаж, таҳлилий кўрсатувлар, ток-шоулар, телесериал ва видеофильмларни томошабин муносиб баҳолаб ҳам бормоқда. Телевидение бошқа ОАВдан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, у замонавий электрон техника воситалари ёрдамида воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни дунёнинг исталган ерига етказа олади. Иккинчидан, телевидение радиодан экранда намоён бўладиган ҳаракатли тасвири билан ажралиб туради. Айнан ана шу жиҳат томошабинни бевосита ҳис қила олишини таъминлайди. Бу эса кўпроқ томошабинни қамраб олиш имконини беради. Телевидение радиодан вербал ва новербал кўриш каби икки жиҳати

³ Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. — Т.: ЎзДЖТУ. - 2011. Б-85.

орқали томагабинга таъсир этиши билан ҳам ажралади. Учинчидан, бажарилган ишни шу иш олиб борилаётган палладаёқ унинг қандай бораётганини узатиш (жонли эфир). ОАВнинг бошқа турлари, жумладан, газета ва журналлар (матбуот)дан ҳам юқоридаги ва бошқа бир неча хусусиятлари билан ажралиб туради. Оддийроқ қилиб айтганда, юқори туради. Тўғри, уларда бирор воқеа-ҳодиса ҳақида шу заҳоти хабар берилмаслиги мумкин. Аммо, уларда таҳлил қилишга вақт ва имкон бўлади.

Йигирма биринчи аср замонавий технологиялар асри бўлиб, техникалар ривожланган сари журналистларнинг ҳам имкониятлари ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда унинг масъулияти ҳам. Яратилган имкониятлардан эса аудитория билан бевосита мулоқотга киришадиган тележурналист тўлиқ фойдалана олиши керак. *Теле* ўзича мустақил сўз эмас, балки у қўшма сўз бўлиб, юнон тилида **узоқ** (tele) маъносини англатади. Унга рус тилидаги *видение*, яъни **кўриш** сўзи қўшилиб, яхлит атама — телевидение (узоқни кўриш) ҳосил қилинган. Немис тилидаги *fernsehen*, инглиз тилидаги *television* сўзлари ҳам телевидение, яъни узоқни кўриш маъносини англатади. «Телевидение инсоннинг кўз хусусиятларига асосланган, шу жиҳатдан ҳам юқорида айтилган «кўз ахбороти» иборасини мантиқан тўғри дейиш мумкин».⁴ «Телевидение пайдо бўлиши билан оммавий ахборот воситалари тизимида сифат ўзгариши юз берди — инсоният ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўриш имкониятига эга бўлди, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа ва қулай йўл барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг ишончли воситаси вужудга келди», деган эди Борецкий». ⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: «Телевидение гарчи сўзни босма равишда кўпайтирмасдан ижтимоий ҳаётни овоз ва тасвир воситасида акс эттирса-да, у матбуотнинг ОАВнинг бир тури ҳисобланади ва унинг қонун-қоидалари асосида иш кўради», дейилган.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Т.: Шарқ. - 2004. Ж –8. Б-338-339.

⁵ Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. — Т.: ЎзДЖТУ. - 2011. Б-85.

«Телевидение» атамаси дастлаб, 1890 йилда Парижда ўтказилган халқаро анжуманда тилга олинган. Экрaн маълумотлари инсоният томонидан йиғилган барча мулоқот турларини ўз ичига олиб, бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитишга таъсир кўрсатади. «Телевидение вужудга келиши билан матбуот таснифида жуда катта сифат ўзгариши, ҳақиқий инқилоб юз берди: кишилар ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўра олиш имкониятига эга бўлдилар, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа йўл, энг қулай кўприк барпо этилди, инсон онгига таъсир этишнинг энг ишончли, энг қизиқарли усули топилди. Телевидение фақат инсон онгига эмас, унинг ҳис-туйғусига ҳам фаол таъсир кўрсатадиган матбуот тури сифатида намоён бўлди...»⁶ «Телевидение бу — кичик экран санъати, йирик план санъати. Инсоннинг юзи, кўзи, кайфияти, руҳияти...»

«Ҳеч ким, ҳаттоки, профессионал савол бўлса ҳам, этика асосларидан ташқарида телевидениеда ҳал қилиши мумкин эмас», деганди таниқли тадқиқотчи ва театршунос В.Саппак. бу фикр унинг 3 марта нашр этилган «Телевидение ва биз» китобининг марказида турган. Муаллиф фикрича, телевидение — этикадан бошланади, худди театр кийим илиш илгаклари (вешалка)дан бошлангани каби. Ҳар бир демократик давлат фуқаросининг эркин фикрини айтиш ҳуқуқи бор. Ўз навбатида жамият ўзи ҳақида тўлиқ маълумот олишга ҳаққи бор. Телевидение ходимлари, айниқса, тележурналист тўлиқ, ишончли, холис, аҳолини қизиқтирган маълумот, ахборотни бериши лозим. Бу каби меъёр ва шартларга амал қилиб, ахборотни тезкор етказган тележурналист ўз касб этикасига тўла амал қилган ҳисобланади. Журналист этикаси тележурналистикага ҳам тегишли. Бугун телеканалларда фаолият олиб бораётган тележурналистларнинг касб одоблари бор? уларга ҳамма ҳам амал қиляптими? Бу каби саволларга жавоб олиш учун фақатгина телеканалларни кузатишнинг ўзи кифоя, назаримда. Унда умуминсоний одоб қоидаларидан ташқари ахлоқ нормаларига ҳам амал қилинади.

⁶ Худойкулов М. Журналистикага кириш. — Т.: ЎЗМУ. - 2005. Б- 96.

2.3. Журналист инсон, фуқаро, профессионал сифатида

«Ёвузликдан эзгуликни ажрата оладиган киши эмас, балки икки ёвузлик учраса, ундан халққа енгилроғини танлай биладиган кишигина уддабурондир».

Ал-Хоразмий

Аудиовизуал журналистика, яъни тележурналистика анъанавий журналистика илдизида вужудга келган. Шунинг учун улар орасида ўхшаш жиҳатлар билан бир қаторда фарқли томонлари ҳам бор. Вақт ўтган сари журналистиканинг мавқеи ортиб бормокда. Журналистика ижтимоий институт сифатида шаклланиб бўлди. У нима бўлса, барчасини атрофдан, жамиятдан олишни, ортиқча бўрттиришлардан ва утопиядан хоиликни тақозо этади. Тележурналистика — журналистика қонун-қоидаларининг телевидение имкониятлари билан бирлашмасидан иборат. Тележурналистика фаолият юритаётган журналист аудитория учун идеал шахс сифатида гавдаланади. Аммо ҳамма тележурналист ҳам бу қиёфани сақлаб қола олаётгани йўқ.

Ҳар қандай кишининг аудиовизуал образи, хусусан, кийиниш, ўзини тутиш, аудитория билан мулоқот олиб бориш, хушовозлиги, гапириш услуби кабилар яъни, дастлабки қабул қилинадиган беш хусусият баҳоланади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уларни образни ташкил этувчи асосий белгилар сифатида қабул қилмаслик лозим. Тележурналист яна бир қатор ички сифатларга эга бўлиши мумкинки, томошабинлар уларни борлигини билмасалар ҳам, ўзларининг индивидуал хусусиятлари, маълумотлар савияси, ижтимоий мавқелари ва бошқалар таъсири остида ботиний тарзда, яъни ўзлари пайқамаган ҳолда қабул қиладилар. Тележурналистларнинг яхлит образи, хусусан, уларнинг этник хатти-ҳаракатлари, касбий кўникмалари, теипрамент хусусиятлари ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурлар

— бизнинг субъектив қабул қилиш хусусиятимиз ҳамда бошқа манбалардан олинган иккинчи даражали маълумотлар таъсири натижасидир. Сўнгги йилларда тележурналист имижига кўп ишлатилмоқда. Тележурналист имижига камрови жиҳатидан кенгроқ тушунча бўлиб, бевосита тележурналист этикаси билан боғлиқ. Унга визуаллик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор талаблар қўйилади.

Бугун ҳаётни журналистсиз, унинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Киши тонгни бирор матбуот нашри, радиоэшиттириш ёки сеvimли телеканали билан бошлайди. Кун бўйи ҳам сеvimли журналистининг овозини тинглайди. Бунинг учун журналистлар кўп меҳнат қилади. Биргина тележурналистнинг меҳнатини санаб ўтсак:

- репортаж ва эфир учун қизиқарли мавзу топиш
- саралаш, ўрганиш, баҳолай олиш, фактларни текшириш
- материалларни эфирга тайёрлаш учун техник иш
- эфирни ўтказиш ва аудитория билан муносабатга киришиш.

Тележурналист билиши керак:

- ОАВ қонунчилиги
- нашриёт фаолияти асослари ва ишлаб чиқариш
- эфир учун материаллар тайёрлаш усуллари
- таҳрир
- давлат тили услубияти ва грамматикаси
- интервью олиш услублари
- **журналист этикаси**
- замонавий технологиялар
- лавозим мажбуриятлар.

Бугунги кунда экран ижодида «одоб(этика)» ва «ахлоқ(мораль)» сўзлари бир-бирини ўрнида қўлланилади. Бу тушунчалар қоидадан ташқари қонунда мавжуд бўлиб, аниқ бир соҳага тегишли ва жамият бу қонунлар билан бошқарилади. Инсоният мавжуд бўлган жамият ва ТВда шундай муҳит борки, у қонун билан баробар бўлган одоб нормалари бошқарувчи

вазифасини бажаради. Этика нормалари ТВ фаолияти жамият билан алоқадорлиги учун бор. Профессионал этика бу соҳада камчиликлар мавжуд бўлган тарихий кураш тажрибасидан дунёга келди. Журналистика, жумладан тележурналистика — одобга риоя қилиш, ахлоқ нормалари йўналишида муҳим соҳа ҳисобланади.

ТВ фаолиятида профессионал этика экран санъати билан бирга ривожланди. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, телеижод тележурналистиканинг ривожланиши билан ўзгариб бораётган ўзининг ахлоқ системаси, одоб нормаларига эга. Бу жараёнда этика қоидаларини ривожлантириш қонун билан доимий алоқадор. Қаерда эркинлик бўлса, қарори учун жавобгарлик ҳам бор. Тележурналист муносабатида жавобгарлик мавжуд:

- бутун жамият олдида
- томошабин (аудитория) олдида
- фильм ва дастурлар қаҳрамонлари олдида
- ўзи мансуб (вакили) бўлган журналистлар олдида
- ўзининг томошабинлар билан муносабатга киришаётган телекомпанияси олдида
- ўзини олдида.

(У бераётган хабарнинг ишончли эканлигига жавобгар). Анъанвий ёндашувга кўра, этика — фалсафий интизом, ўрганилган ахлоқ, одоблилик. Инсон ўзи ўзига қонун чиқаради ва бу унинг одоби саналади. Шундай экан, кенг олиб қараганда журналист этикаси қоида, қонун, норма, кодекс ёки принциплар каби барча таянадиган бўлиши керак. Бу принциплар журналистларни инсонпарвароикка етаклаши даркор.

Чет эл телеэфирлари, айниқса, жонли эфирда тележурналистнинг касб одобига риоя қилмаганини кўрамиз. Масалан, бир журналист жисмоний имконияти чекланганлар жонли мулоқотда улар овозининг ғайриодатийлигидан кулиб (бир эркак кишининг овози аёлларникига, яна бириники эса жуда дағал бўлганидан), ўзини тўхтата олмайди. Россиялик

журналистларнинг кўпчилиги ҳам жонли эфирда турли кўпол сўзларни айтса, хиндистонлик тележурналист жонли эфир пайтида атрофда камерага қизиқиб қараётган болакайни уриши кабиларни келтириш мумкин. Томошабинлар кўз олдида идеал бўлиб кўринадиган тележурналистлар нафақат эфир, иш жараёнида, балки ҳаётда ҳам намунали бўлиши керак. Бу каби мисолларни ўзбек телеканаллари бошловчиларидан ҳам келтириш мумкин. «Ёшлар» телеканалида эфирга узатиладиган «Ош бўлсин» дастурининг муаллиф-бошловчиси Гулҳида Жўраева ҳаётда, «Бахт формуласи» дастурининг муаллиф-бошловчиси Муҳаббат Ҳамроева эфирда баъзи одоб нормаларини бузади. Муҳаббат Ҳамроева эфир пайтида таклиф этилган машҳур ва оддий меҳмонни ажратиши яққол кўриниб туради. Масалан, Саманлар Ҳамроқулов ва унинг рафиқаси билан бирга ташриф буюрган жуфтликка деярли эътибор қаратмаган. У меҳмонларнинг фикрини охиригача эшитишни ҳам билмайди. «Тошкент» каналидаги «Бугун ва эрта» ток-шоусини икки бошловчи олиб боради. Аммо Лазиза Нозимхонова этика қоидаларини биров бузади. У нафақат ташриф буюрган мутахассис-меҳмонларни, балки «шериги»ни ҳам ҳурмат қилиши кўринмайди. Тележурналист касб одобида ҳамкасблари ва аудиторияни ҳурмат қилиши белгиланган. Бугунги тележурналистлардан «Ёшлар» телерадиоканалидаги «Киномания» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Лола Зуннунованинг қиёфаси юқоридаги эсда қоларли тасвир ва матн ҳисобланади. Унинг саломлашишдан то хайрлашишга қадар сўзлари адабий тил меъёрларига бўйсунди. Тележурналистга бошқалар ҳавас қилиши, кези келганда тақлид қилиши барчамиизга аён. Шундай экан, муносиб намуна бўлиш учун касб одобига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Телевидениеда амалий кўникмага эга бўлмасдан, назарияга асосланиб кўп фикр билдириш ҳам анча қийин. Лекин оддий томошабин сифатида кузатиб холис фикр билдириш мумкин.

Журналистлар меҳнати, жумладан тележурналист ижодий фаолияти асослари тадқиқ қилиниши керак. Экрани ижоди этика нормалари амалий фаолияти бошқарувчиси сифатида журналист одобини контурларга

ажратишни тақозо этади. Этика қоидалари ҳуқуқ нормалари билан чамбарчас боғлиқ ҳам. Қонун ва этика кўп нуқталарда бир-бири билан кесишади. Қонун ҳам, этика ҳам ўзининг норматив хусусиятларига эга. Баъзан журналистларга уларнинг иккисини ажратиш мушкул бўлиб қолади. Ҳақиқатдан ҳам журналист фаолиятини бошқаришда қоидалар ўзгаради. Ҳуқуқ нормалари манбаси — давлат органлари биринчи навбатда қонунчилик томонидан бўлади. Этика нормалари профессионалликни бирлашишидан юзага келади. Журналистнинг касб этикасига доир айрим адабиётларда «деонтология» тушунчаси учрайди. Бу атама грек тилида deon-бурч, logia-шунослик сўзларидан олинган бўлиб, бурчшунослик деган маънони англатади. Бурч туйғуси муайян маънода одоб-ахлоққа маънодош бўлгани сабабли айрим ўринлардагина деонтология иборасидан фойдаланилади. Бу термин Европада кенг ёйилган. Ўз ўрнида уларнинг яшаш тарзидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос касб кодекслари ҳам бор.

2.4. Тележурналистга қўйиладиган талаблар

*«Яхши кишилар юксак ахлоқий етуклик ва юксак ахлоқий обрў билан
ажралиб турадилар».*

Ф.М. Достоевский

Тележурналистика этикасига доир кийиниш, нутқ маданияти, ҳатто кўз қарашлару овозни баланд-паст тутишда ҳам ўзига хос талаблар, шартлар бор. Тележурналистикада имкониятлар қанчалик кўп бўлса, масъулият ҳам шунчалик ортади. Энди тележурналист биринчи навбатда ўзининг ташқи қиёфасини тартибга келтирмоғи керак. Иккинчидан, экранга олиб чиқиладиган ҳар бир лавҳа, манзара ва сахна кўриниши учун у жавобгар ҳисобланади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати — қоматнинг тутиши, ўтириши, ҳатто оддийгина кўз қарашлари ҳам кўрсатувнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Ана шуларга риоя қилиш — қилмаслик тележурналистикада касб этикаси саналади. Тележурналист соф адабий тилда гапириши керак. Матбуотда таҳрир мактаби борлиги сабаб шева сўзлари учрамайди. Аммо жонли эфирда— тележурналистикада шева сўзлари кўп учрайди.

Ҳар бир давлат халқининг минталететидан келиб чиққан ҳолда ўз кодекслари бор. Уларда барча журналистлар учун умумий одоб нормаларидан ташқари бир-биридан фарқ қилувчи бандлар ҳам бор. АҚШда радио ва телевизион ахборот дастурлари режиссёрлари ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган касб этикаси кодексининг қамрови кенг. Францияда (TF1) эса тележурналистларнинг 18 та принципи мавжуд. У 1994 йилнинг январида Франциянинг йирик TF1 каналининг 200га яқин журналисти билан тузилган. Бу кодекс ҳам эмас, хартия ҳам эмас. Бу ҳуқуқ ва бурчлар билан бирга амал қилинадиган, жамоа шартномасига киритилган принциплар тўпламидир. Баъзиларни келтириб ўтсак:

1. Томошабинларни шокка соладиган, рухиятига салбий таъсир кўрсатадиган лавҳалардан олдин огоҳлантириш.

2. Янгиликларда шафқатсиз ҳаракатлар бор бўлган репортажларни кўрсатиб бўлмайдиган тасвирларни матн давомида кўрсамаслик.

3. Порнографик характердаги сахналарни, кадрдаги кишиларни ғурурига тегадиган лавҳалар бўлган сахналарни беришда эҳтиёт бўлиш.

4. Журналистлар репортажларда болалар мавзуси ва оилани ҳурмат қилиши керак.

5. Журналистлар нуқтаи назарларни қарама-қаршилигини шу ходисанинг асосий юзи (шахс)га қолдиришни ўз зиммасига олиши лозим. Агар бу шахс маълумот беришни хоҳламаса, бу ҳақда репортажда айтиб ўтиш лозим.

6. Кадрларни такрорлашдан иложи борида қочиш.

7. Айбдорнинг судда айби аниқланмагунча томошабинларга уларни айбдор қилиб кўрсатиб қўймаслик.

8. Диққат марказида турган шахсларнинг яқин қариндошлари, танишларининг шахсий ҳаётига ҳалал бериб, безовта қилмаслик.

9. Журналистларга эфирдан аниқ кишини, ташкилотни таниб олиш мумкин бўлан, яширин камера билан олинган кадрларларни эфирга узатиши тақиқланади.

10. Журналистлар дастурида мажбурлаб интервью олинган эфирни беришдан қочиши керак.⁷

Бу каби принциплар дунёнинг йирик телекомпанияларнинг ички низоми, шартномаси сифатида ҳам белгиланган. Демократик жамиятда журналистика эркинлиги бу — аҳолини қизиқтирган ва қийнаган масалаларда кўплаб ташкилот ёки давлатдаги ижтимоий муаммоларни танқид қилиш. Этик жиҳатдан тарбияли журналист аудитория фақатгина унинг қарашлари ва этик нормаларига бўлинадиган инсонлардан ташкил

⁷http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30353982

топмаганини билади. Телевидение қандайдир битта жамият қатлами, битта партия (хатто бу партия ўнг қанот бўлса ҳам!) ёки ҳаракатни дунёқарашини ифодаламайди. Эcran фаолияти томошабин саволлари ва қизиқишларини акс эттиради. Шунингдек, ВГТРК, ОРТ, ТВ-6 МОСКВА, ТВ-ЦЕНТР, 31 КАНАЛ, ТРТ-ТЕЛЕСЕТЬ, REN-TV, СТС, НАТ, РАРТ биргаликда «Телерадиоэшиттиришлар хартияси»ни қабул қилган.⁸ Шунингдек, Авраамовнинг китобида тележурналист суҳбатдошига бераётган саволида лаганбардорлик, кесатиш оҳанги бўмаслиги кераклиги, ҳақоратли сўзларни ҳам ишлатмаслиги кераклиги таъкидланади.

Томошабин қизиқиши ва эҳтиёжи қандай бўлса, теледастур қаҳрамонлари ва иштирокчилари ҳам ҳар хил бўлади. Барча ҳолатда ҳам тележурналист ўз касб меъёрларини унутмаслиги, қизишмаслиги талаб этилади.

⁸ Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. — М.: Издательство Московский университета. 1999. С. 158.

Хулоса

Кўча-кўйда, бирор тадбирда «Мен журналистман» десангиз, ёнингиздаги одам ўзини жиддий тутишга, камчиликларини беркитишга ҳаракат қила бошлайди. Бу сиздан хавфсирагани ёки кўрканидан деб ўйлайсизми? Йўқ! Сабаби журналист бошқалар наздида барча камчиликлардан ҳоли. Агар сиз тележурналист бўлсангиз, касбингизни айтмасангиз ҳам атрофдагиларнинг сизга муносабати бошқача эканлиги кўриниб туради. Шундай экан, журналистлар, айниқса, тележурналистлардан касб этикасига нафақат эфирда, балки ҳаётда ҳам қатъий амал қилиш талаб этилади. Янгиликлар дастури, муаллифлик дастурлари, ток-шоулар барча теледастурларда тележурналистнинг роли намоён бўлади.

Телевидениега Мухтор Худойқулов қуйидагича таъриф берган: «Телевидение — бу кичик экран санъати, йирик план санъати. Инсоннинг юзи, кўзи, кайфияти, руҳияти...». Телевидение ўзига хос хусусиятлар ва маҳорат сирларига эга фаолиятдир. У режалаштириш, таҳлил ва тайёргарликни талаб қилади. Палапартишлик ва шошма-шошарликни ёқтирмайди. Худди шу талаблар тележурналист шахсининг ўзига ҳам тааллуқли. Унда фаолият юритаётган тележурналистлар соҳа вакиллари сифатида намоён бўлади. Уларга берилётган баҳо, қайсидир маънода ушбу соҳанинг бошқа вакиллари ҳам берилаётган баҳо деб ҳисобланади. Шунинг учун тележурналистдан одоб, юқори билим талаб этилиши керак. Бу лавозимга айнан ушбу соҳада таълим олган мутахассис қўйилиши керак. Чунки анъанавий журналистика қонун-қоидалари, касб меъёрлари назариядан бошланади. Биз юқорида санаб ўтган кодекслар, ахлоқ меъёрларинининг бошланишини ўқиш даврида олиб, амалиётда мустаҳкамлаб борган журналист гапириш оҳанги, интонация ва нигоҳ ҳам гапнинг мазмунини ўзгартира олишини билиб олади. Шу ўринда тележурналистнинг ўз устида тинмай ишлаши талаб этилади. Ҳар бир эфир учун алоҳида тайёргарлик ва масъулият ҳисси бўлса, касб меъёрларига амал қилинса, ушбу чиқиш омадли ва эсда қоларли бўлади.

Бу борада теле-радио журналистикада этика кодекслари қабул қилинган. «Телерадиоэшиттиришлар хартияси» (Россия), «Миллий электрон оммавий ахборот воситалари этика кодекси» (Ўзбекистон) ва «TF1 тележурналистларининг 18 принципи» (Франция) кабилар тележурналистларнинг одоб-ахлоқ нормалари белгиланганлиги ҳам соҳа тараққиётида одобнинг ўрнини баҳолайди.

Бугун миллий телерадиокомпаниямизда «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Тошкент», «Спорт», «Дунё бўйлаб», «Маданият ва маърифат», «UZHD», «Болажон» («Ёшлар» телеканаллари таркибида), «Кинотеатр» («Ёшлар» телеканаллари таркибида), «Наво» («Ёшлар» телеканаллари таркибида), «Оилавий» («Ўзбекистон» телеканаллари таркибида) ва «Диёр» («Маданият ва маърифат» каналлари таркибида) телеканаллари фаолият юритмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида 12-15та давлат телеканаллари бор, бизда ҳам. 2013 йил 16 декабр соат 17.00 дан фаолиятини бошлаган сўнгги икки телеканал ва бошқа каналлар билан соғлом рақобатни кучайтиради.⁹ Уларда кўплаб тележурналистлар ишлашади. Масс-медиа назариётчилари тележурналистларни 7 хил асосий тоифаларга ажратишади (амалиётчилар эса буни экранда тасдиқлашади). Жумладан, репортёр, изоҳловчи, шарҳловчи, интервьюер, модератор, шоумен ва янгиликлар бошловчиси. Уларнинг умумий номи — тележурналистларнинг олдида катта масъулият бор. Омма олдида чиқиш қиладиган ушбу касб эгаларнинг ўзига хос мажбуриятлари, касб одоблари бор. Бу нормаларга риоя этилмаса жиноят кодексидаги сингари қатъий чоралар кўрилмаслиги мумкин. Аммо улар одоб қоидаларига сўзсиз амал қилишмоқда. Баъзиларни бундан мустасно дейиш мумкин.

Бугун миллий телеканалларимизда мавзумиз юзасидан эришилаётган ютуқлар, камчиликлар, қолаверса, ўз таклифларимни ҳам билдирсам.

1. Ютуқлар:

— миллий каналларимизда журналистлар томонидан тайёрланган маҳсулот (лавҳа, кўрсатув) «ички цензура»дан ўтиши (бу касб

⁹ 2013.16.12 «Diyor» 23.20

қоидаларига амал қилинмаган ҳолатларни четлаб ўтишга имкон бермоқда);

—

2. Камчиликлар:

- миллий каналларимизда жонли эфирнинг йўқлиги («Спорт» канали бундан мустасно) ва тўғридан тўғри эфир бўлса журналистларимиз касб этикаси меъёрларига амал қила олмаслиги мумкин. чунки улар кўрсатувни ёзиб олиш ва монтаж қилиб узатишга одатланган;
- журналист ҳам, таклиф этилган меҳмон ҳам бир қолипда бўлиб, ўзини эркин ҳис қилмаслиги;
- миллий менталитетимиз боис, андишанинг ўта кучлилиги;
- баъзан тележурналистлар бирор соҳада йўл қўйилган камчиликларни ёритишда бу камчиликларни «юзага келишига сабабчи»ларни катта гуноҳ қилгандек оҳангда таҳлил қилиши, бу ҳам етмагандек ана шу тондаги мусиқа билан «зеб бериши».

3. Таклифлар:

- касб этикасига риоя этган ҳолда «кучли» дастурлар тайёрлаш. Баъзан бунга амал қилмасдан халқ манфаати йўлида ана шундай кўрсатувларни тайёрлаш;
- ёш кадрларга янги ғояларини, таклифларини амалга ошириш учун имкон бериш ва яхши ташаббусни қўллаб-қувватлаш;
- каналлар ўз форматидан келиб чиққан ҳолда касб одоблари меъёрларини тузиб чиқиши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. — Т.: ЎзДЖТУ Perfect print, 2011.
2. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. — Т.: Янги аср авлоди, 2007.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Ўқув-услубий ва амалий қўлланма. — Т.: Ишонч, 2012.
4. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси (Радио ва телевидение журналистикаси асослари). — Т.: Шарқ, 2002.
5. Худойқулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланма. — Т.: ЎзМУ, 2005.
6. Лазутина. Профессиональная этика журналиста. — М.: Аспект пресс. 2006.
7. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. — М.: Издательство Московский университета. 1999.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Т.: Шарқ, 2004. Ж-8.
9. Аудиовизуал журналистиканинг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. — Т.: ЎзМУ, 2008.
10. Эшонбобоева Ш. Журналистиканинг ҳуқуқий ва касбий ахлоқи асослари. Маърузалар матни. ЎзМУ
11. Череменина Е.Г., Кулинский А.В., Жумагулов С. Профессиональная этика журналиста – 2: учебное пособие. – Бишкек, 2013
12. Алибекова К. Журналист имиж. — Т.: Янги аср авлоди, 2012.
13. www.yandex.ru
14. www.google.com
15. http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30353982